INNOVATIVE PUBLICATION
Journal of Effective Learning and Sustainable Innovation
Vol.4 №5 (2026). MAY
innovativepublication.uz

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ИСТИҚБОЛЛАР

PERFORMANCE OF STATE BODIES IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION: FOREIGN BEST PRACTICES AND PROSPECTS FOR UZBEKISTAN

Дурбек Рахимбердиев,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирин баҳолаш институти, бош маслаҳатчи.
Durbek Rakhimberdiev
Institute for Analysis and Regulatory Impact Assessment of Legislation under Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Senior Consultant.

Аннотация. Мазкур мақолада коррупцияга қарши курашишда давлат органларининг фаолияти, халқаро тажриба ва Ўзбекистон Республикаси учун истиқболлар масалалари тадқиқ этилган. Мақолада Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг ҳозирги ҳолати, қонунчилик асослари, ваколатли давлат органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, шунингдек АҚШ, Франция, Корея Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тизимлари таҳлил қилинган. Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида Ўзбекистонда мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар келтирилган.

Abstract. This article examines international experience and prospects for the Republic of Uzbekistan on performing the activities by state bodies in combating corruption. The article analyzes the current state of anti-corruption efforts in the Republic of Uzbekistan, national law, the main directions of authorized state bodies' activities, as well as the anti-corruption systems of the United States, France, the Republic of Korea, and the Republic of Kazakhstan. Based on the study of best practices from foreign countries, practical recommendations for improving this area in Uzbekistan are presented.

Калит сўзлар: коррупция, коррупцияга қарши курашиш, давлат органлари, хорижий тажриба, коррупцияга қарши курашиш агентлиги, қонунчилик асослари, халқаро ҳамкорлик, маиший коррупция, молиявий назорат.

Key words: corruption, anti-corruption efforts, state bodies, foreign best practices,

anti-corruption agency, legislative framework, international cooperation, petty corruption, financial overseeing.

Ҳар бир давлат жамиятда барқарор ва мунтазам ривожланишни таъминлаш, давлатга нисбатан жамият томонидан мустаҳкам ишонч пойдеворини шакллантириш, унда адолат, қонун устуворлигини, аҳолида ҳуқуқий онгни яратиш ва такомиллаштириш, коррупциянинг ҳар хил турлари – **маиший коррупциядан** тортиб **юқори давлат органларидаги коррупциявий ҳолатларга** қарши аёвсизлик билан курашиш мақсадида ўз **ваколатли органлари** орқали **коррупцияга қарши кураш** функциясини амалга ошириб боради. Бунда мазкур фаолиятни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашда ваколатли давлат органларини белгилаш давлатнинг *ҳуқуқий тизими*, *давлат тузилиш шакли*, *бошқарув шакли*, давлатнинг *ички хусусиятлари*, халқнинг *менталитетидан* келиб чиқиб, ўзгариб бориши мумкин.

I. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишнинг ҳозирги ҳолати ва қонунчилик асослари

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, мамлакатда коррупцияга тоқатсизликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**”ги қонуни яратиб берди. Мазкур қонун коррупцияга қарши курашишнинг умумий тамойилларини, давлат органлари ва фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини, коррупцияга қарши курашишда ваколатли давлат органларини белгилайди.

Қонунга мувофиқ, коррупцияга қарши курашишда қуйидаги ваколатли давлат органлари фаолият юритади:

– Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
– Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
– Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
– Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Қонуннинг асосий мақсади давлат ва жамият ҳаётида **коррупцияга нисбатан тоқатсизлик руҳини шакллантириш**, коррупция ҳолатларининг олдини олиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни очиш, уларнинг содир этилишига сабаб ва

шарт бўлган ҳолатларни бартараф этиш, коррупция натижасида етказилган зарарни қоплашдан иборатдир. Қонун коррупцияни олдини олишнинг комплекс тизимини яратишга қаратилган бўлиб, унда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этиши назарда тутилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ютуқларга эришди. Халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган рейтингларда мамлакат позициялари **изчил яхшиланмоқда**. **Transparency International** ташкилоти томонидан эълон қилинадиган **Коррупция идроки индекси** (Corruption Perceptions Index) бўйича Ўзбекистон 2017 йилдан бери ўз кўрсаткичларини доимий равишда яхшилаб келмоқда. Шунингдек, Жаҳон банкининг "**Қонун устуворлиги**" (Rule of Law) индекси бўйича ҳам мамлакат кўрсаткичларида ижобий динамика кузатилмоқда.

Бироқ, **World Justice Project** томонидан тайёрланган "**Қонун устуворлиги**" (Rule of Law Index) индексининг **Коррупцияга қарши кўрсаткичида** 2025 йил таҳлилида Ўзбекистон **143 мамлакат орасида 67-ўринни эгаллаган**. Бу ҳолат республикада ҳуқуқ устуворлиги механизмларининг ҳали ҳам айрим нуқсонликлар қайд этилаётганлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, амалиётда мавжуд бўлган **баъзи муаммоларни** ҳам таъкидлаш лозим. Жамиятда **маиший коррупциянинг** турли кўринишлари ҳали тўла бартараф этилмаган. Баъзи соҳаларда, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим, давлат хизматларини кўрсатиш соҳаларида "**норасмий тўловлар**" муаммоси мавжуд. Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш органлари фаолиятининг мувофиқлаштирилиши, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, фуқароларнинг коррупцияга қарши ҳуқуқий онги даражасини янада ошириш зарурати мавжуд. Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини кучайтириш, хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш орқали коррупция имкониятларини минималлаштириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида **давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилисиз**, **коррупция ва ортиқча бюрократиядан холи** экотизим яратиш вазифаси бежизга устувор вазифалардан этиб белгиланмади.

Шунинг учун мамлакатда коррупциянинг илдизларини муваффақиятли бартараф этиш учун ҳуқуқий механизмларни янада интеграциялаштириш, **институтлараро ҳамкорликни кучайтириш** ҳамда жамоатчилик назоратини фаоллаштириш зарур.

II. АҚШда коррупцияга қарши тизимнинг асослари

АҚШда **коррупцияга қарши курашиш функцияси** кўп давлатлардаги сингари **ягона ваколатли давлат органи** томонидан эмас, балки йиллар мобайнида давлатнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ривожланишидан келиб чиқиб, **мустаҳкам тизим** орқали амалга оширилади.

1. **Ваколатли давлат органи.** АҚШнинг *федератив давлат тузилиши* шаклини инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш функцияси ҳам **2 та даражада** амалга оширилади. **Суд тизими ва суд процесси кодексининг 2 бўлими**га мувофиқ *(U.S. Code: Title 28 — JUDICIARY AND JUDICIAL PROCEDURE, Part II)* **АҚШ Адлия вазирлиги** *(Department of Justice)* ва унинг таркибига кирувчи **АҚШ Федерал тергов бюроси** *(Federal Bureau of Investigation, FBI)* **федерал даражадаги** коррупцияга оид жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли органлар этиб белгиланган бўлса, **штатлар даражасида** штатларнинг ўз қонунчилигига мувофиқ фаолият юритувчи **прокуратуралари** ва **полиция органлари** давлатнинг мазкур функциясини амалга оширувчи ваколатли органлар этиб белгиланади. Масалан, **Иллинойс штатининг "Бош прокурор тўғрисида"ги қонуни**га *(Attorney General Act)* мувофиқ штатда **Штат Бош прокурори** коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли шахс этиб белгиланади.

2. **Коррупцияга қарши курашиш органларининг ваколатлар доираси. АҚШ адлия вазирлиги** коррупциявий ҳолатлар, коррупция омилларини вужудга келиши эҳтимоли юқори бўлган соҳаларни аниқлаш ва уларни йиллик ҳисоботлар сифатида Конгрессга тақдим қилиш, қонунчиликда **коррупциявий омилларни** келтириб чиқазадиган **ҳужжатларни** аниқлаш, уларни **экспертизадан ўтказиш** билан бир қаторда вазирликнинг **махсус департаментлари** ва **Федерал тергов бюроси** билан биргаликда **федерал ҳукумат даражасидаги коррупциявий жиноятлар** бўйича процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидирлар. Бунда жиноятлар бўйича **тезкор-қидирув тадбирларини** бажариш, **тергов ҳаракатларини** амалга ошириш, коррупция жиноятлари бўйича далилларни тўплаш, жиноят ишларини қўзғатиш, қўзғатишни рад этиш, тугатиш шулар жумласидан.

3. **Ваколатли давлат органларининг ҳисобдорлиги ва бўйсунуви.** АҚШ **Федерал тергов бюроси директори** АҚШ **Президенти** тақдимига биноан **10 йиллик** муддатга **Сенат** томонидан маъқулланади. Федерал тергов бюро директори АҚШ **Федерал Бош прокурори** (*Адлия вазири*) га бўйсунади. АҚШ **Федерал Бош прокурор** ўз навбатида **Президент** томонидан тайинланади ва

Сенат томонидан тасдиқланади. **Федерал Бош прокурор Президент кабинети** (*Федерал Олий ижро ҳокимияти*) таркибига киради. Штатлар даражасидаги штат полиция **бошлиқлари** ва **Штат бош прокурорлари** штатнинг қонунчилигига мувофиқ сайланади ёки тайинланади.

4. Коррупцияга қарши курашишда қонунчилик нормалари. Ваколатли давлат органларининг коррупцияга қарши курашишда ўзаро фаолияти умумий жиноят ҳуқуқи доирасида тартибга солинган бўлиб, **Суд тизими ва суд процесси кодекси** *(U.S. Code: Title 28 — JUDICIARY AND JUDICIAL PROCEDURE)*га мувофиқ амалга оширилади. Айрим соҳалардаги коррупцияга қарши курашиш тизими алоҳида қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган. Чунончи, **халқаро йўналишдаги коррупциявий жиноятларни олдини олиш**, хорижий давлатлар мансабдор шахсларига пора таклиф қилиш, бериш улар билан инвестициявий лойиҳалар доирасида коррупциявий омилларни келиб чиқаришга доир **хатти-ҳаракатларни жиноят деб топиш 1997 йил**даги “**Хорижий коррупция амалиётлари тўғрисида**”ги федерал қонун билан *(Foreign Corrupt Practices Act, FCPA)* амалга оширилган. Шу билан бирга йирик тижорат ташкилотлари ва ширкатлар томонидан молиявий ҳисоботларни топшириш йўналишидаги коррупциявий омилларни олдини олиш бўйича **2002 йил**да “**Сарбейнз-Оксли” қонуни** қабул қилинган.

5. Ваколатли давлат органларининг фаолиятини молиялаштириш. Федерал тергов бюроси фаолияти фақатгина **федерал бюджет маблағлари**дан молиялаштирилса, Федерал Адлия вазирлигининг фаолиятини бюджет ва бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари оқали молиялаштириш механизми белгилаб ўтилган. Бунда **Суд тизими ва суд процесси кодекси**нинг **524-моддаси (c) банди**га мувофиқ Адлия вазирлигининг **Активларни мусодара қилиш жамғармаси** *(DOJ Assets Forefeiture Fund)* **маблағлари** фискал йил давомида **Федерал Бош прокурорга** мусодара қилинган, ушлаб турилган *мулкни инвентаризация* қилиш, ҳимоя қилиш, сақлаш, реклама қилиш, сотиш ёки тасарруф этиш учун зарур бўлган ҳар қандай харажатлар ёки бундай мулкни мусодара қилиш, *ушлаб туриш*, *мусодара қилиш* ёки *тасарруф этиш* билан боғлиқ бошқа ҳар қандай зарур харажатлар учун тўловларни амалга ошириш, *тергов ҳаракатларни* амалга ошириш, тренинглар ташкил этиш, *ходимларни рағбатлантириш* учун тақдим этилади.

III. Франция Республикасида коррупцияга қарши тизимнинг асослари

Франция коррупцияга қарши курашнинг аралаш моделига эга бўлиб, у процессуал ваколатларга эга **ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари** билан

яқиндан ҳамкорликда ишлайдиган **профилактика** ва **назорат функцияларига эга ихтисослашган органларнинг** мавжудлиги билан тавсифланади**.** Бунда эътибор бериш жоизки, Францияда давлат бошқаруви моделининг юқори марказлашганлиги коррупцияга қарши курашиш органларининг фаолиятида ҳам сезиларли таъсирини кўрсатади.

1. Ваколатли давлат органи. Францияда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари **жиноят процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ваколатли** ва **бундай ҳаракатларни амалга оширмайдиган**, жамиятда бошқарув органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, молиявий ҳисобдорликни ошириш бўйича ваколатли органларга бўлиниш хусусияти билан ажралиб туради. Бунда

биринчи тоифага:

a) Франция ички ишлар вазирлигининг **Коррупция ва молиявий ҳамда солиқ жиноятларига қарши курашиш марказий идораси** *(Ministère de l'IntérieurMinistère de l'Intérieur, Office central de lutte contre la corruption et les infractions financières et fiscales (OCLCIFF))*,

b) Адлия вазирлигининг таркиби кирувчи прокуратура органлари ва Махсус ташкил этилган прокуратура таркибидаги **Миллий молия прокуратураси** кирса,

иккинчи тоифага:

a) **2013** йил **11** октябрдаги 2013-907-сон **“Жамоат ҳаётининг шаффофлиги тўғрисида”**ги қонуни *(Loi n° 2013-907 du 11 octobre 2013 relative à la transparence de la vie publique)* га мувофиқ ташкил этилган **Франциянинг Жамоат ҳаётида шаффофлик бўйича олий комиссияси** *(Haute Autorité pour la transparence de la vie publique HATVP)*;

b) Франциянинг **2016** йил **9** декабрдаги 2016-1691-сон **“Шаффофлик, коррупцияга қарши кураш ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”**ги қонуни *(Loi n°2016-1691 du 9 décembre 2016 relative à la transparence, à la lutte contre la corruption et à la modernisation de la vie économique)* га мувофиқ ташкил этилган **Франция коррупцияга қарши курашиш агентлиги** *(Agence Française Anticorruption, AFA)* киритилади.

2. Коррупцияга қарши курашиш органларининг ваколатлар доираси. Биринчи тоифадаги органлар коррупциявий жиноятларни аниқлаш, тўғридан-тўғри ўлар бўйича жиноят процессуал ҳаракатларини амалга ошириш **бўйича ваколатли органлар** бўлиб хизмат қилади. Иккинчи тоифадаги органлар ўз

ваколати бўйича коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, превентив чораларни кўриш, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш, уларнинг молиявий ҳисобдорлигида белгиланган тартиб-таомилларга риоя қилиш бўйича назорат функцияларини амалга оширишга ихтисослашган. Чунончи, **Франция коррупцияга қарши курашиш агентлиги** “Шаффофлик, коррупцияга қарши кураш ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ташкилотларнинг қонунда белгиланган коррупцияга қарши талабларга риоя этилиши юзасидан **аудит олиб бориш ваколатига** эга. Жумладан, хусусий сектор компаниялари: камида **500 нафар ходими** ва **даромади** камида **100 миллион евро** бўлган **юридик шахслар** ёки Францияда бош компанияси бўлган ва жами **500 нафар**дан ортиқ ходими бўлган **компаниялар** ҳам **аудит субъектлари** ҳисобланади. Шу билан бирга, Агентлик антикоррупциявий талаблар бузилганлик ҳолатлари аниқланганда бу субъектларга нисбатан **юқори миқдордаги жарималар** қўллаш ваколатига эга. Қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш шулар қаторида. **Франциянинг Жамоат ҳаётида шаффофлик бўйича олий комиссияси** давлат хизматчилари, жумладан, олий давлат ҳокимиятида фаолият юритувчи мансабдор шахсларнинг **даромад ва мол-мулк декларацияларини** мунтазам равишда текшириб бориш, манфаатлар тўқнашуви йўналишида ижро ҳокимиятида ходимларининг хусусий сектордан тайинланишини **дастлабки кўриб чиқиш**, **манфаатдорлик *(лоббизм)* реестри** *(Registre des représentants d'intérêts)* ни юритиш ваколатларига эга.

3. Ваколатли давлат органларининг ҳисобдорлиги ва бўйсунуви.Франциянинг Бош прокурори **Президент томонидан** тайинланади ва ҳуқуқий сиёсат борасида Адлия вазирига бўйсунади, жиноятчиликка қарши курашиш функциясида Президентга бўйсунади. Адлия вазири Бош вазир тақдимига биноан **Президент** томонидан тайинланади ва Президентга ҳамда **Парламент** *(Parlement français)* га бўйсунади. Франциянинг Жамоат ҳаётида шаффофлик бўйича олий комиссияси Президенти **Франция Президенти** тақдимига биноан **Сенат** томонидан маъқулланади ва Франция Президентига бўйсунади ҳамда **Парламентга** ҳисобдор. Франция коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори **Президент томонидан** тайинланади ва қисман Адлия вазирлигига бўйсунади.

4. Коррупцияга қарши курашишда қонунчилик нормалари. Францияда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари Франция жиноят кодекси ва юқорида қайд этилган **2016** йил **9** декабрдаги 2016-1691-сон

“Шаффофлик, коррупцияга қарши кураш ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги қонуни *(қўп ҳолларда Қонун собиқ Молия ва иқтисодиёт вазири **Лои Сапин** номи билан ва коррупцияга қарши кураш бўйича ислоҳотлар Сапин I, Сапин II, Сапин III дея таърифланади),* **2013** йил **11** октябрдаги 2013-907-сон **“Жамоат ҳаётининг шаффофлиги тўғрисида”**ги қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборат.

5. Ваколатли давлат органларининг фаолиятини молиялаштириш. Францияниг бошқарув шакли юқори марказлашганлиги билан ажралиб туриши юқоридаги органларнинг молиялаштириш механизмига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаган. Бунда барча коррупцияга қарши кураш ваколатли органлари ўз фаолиятларини давлат бюджети маблағлари орқали юритишади. Бунда махсус бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилмаган.

IV. Корея Республикасида қоррупцияга қарши тизимнинг асослари

Корея Республикаси ўз давлат тузилиши ва бошқарув шаклига мувофиқ ҳолда коррупцияга қарши кураш йиллар мобайнида босқичма-босқич ривожланиб бораётган тизимга асосланган. Бунда профилактика функцияларига эга ва превентив чоралар қўллашга ихтисослашган давлат органи ҳамда коррупция жиноятларига нисбатан жиноят процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи ҳуқуқ-муҳоваза органининг фаолияти билан тавсифланади.

1. Ваколатли давлат органи. Корея Республикасида коррупцияга қарши курашиш фаолияти ***превенция, этика, информаторларни химоя қилиш, коррупция содир этилишига тоқатсизлик*** *тамойилларига асосланган бўлиб,* ваколатли органлар коррупцияни олдини олиш ва анти-коррупция сиёсати бўйича конунчилик талабларини назорат қилувчи ва коррупция жиноятлари бўйича жиноят-процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи ваколатли органга ажратилади. **Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси** *(Anti-Corruption and Civil Rights Commission, ACRC)* **2008 йил 29 декабрдаги “Коррупциянинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролар ҳуқуқлари комиссиясини ташкил этиш ва бошқариш тўғрисида”ги** *(Act on the Prevention of Corruption and the Establishment and Management of the Anti-Corruption and Civil Rights Commission)* 8878-сон қонуни билан учта илгари мавжуд бўлган давлат органлари: Коррупцияга қарши мустақил комиссия, Фуқаролик ҳуқуқлари комиссияси ва Ҳукумат Омбудсмани идораси бирлашиши натижасида ташкил этилган ихтисослашган коррупцияга қарши ваколатли орган ҳисобланади..

Коррупциявий жиноятларга нисбатан жиноят-процессуал ҳаракатларни олиб бориш **Корея Бош прокуратураси** *(Supreme Prosecutors' Office)* ва унинг таркибига кирувчи ҳудудий прокуратуралар ҳамда **2020 йил 14 январдаги "Юқори лавозимли мансабдор шахслар учун коррупция жиноятлари бўйича тергов офисини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солиш тўғрисида"ги** *(Act on the Establishment and Operation of the Corruption Investigation Office for High-Ranking Officials)* 16863-сон қонунига мувофиқ ташкил этилган **Коррупция тергов офиси** *(Corruption Investigation Office)* томонидан *юқори лавозимли мансабдор* шахсларга нисбатан амалга оширилади.

2. Коррупцияга қарши курашиш органларининг ваколатлар доираси. Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси қонунга мувофиқ ўз фаолиятида **жиноят процессуал ҳаракатларни амалга оширмаса-да**, у **жисмоний** ва **юридик** шахслар **аризалари** асосида **юқори лавозимли мансабдор шахслардан** уларнинг иш юритувидаги **ҳужжатларни** коррупциявий омилларга қарши **текширувдан ўтказиш** мақсадида **талаб қилиб** олиш, давлат бошқаруви органларида **инспекция текширувларини** ўтказиш, **коррупцияга мойил давлат органлари реестрини** юритиш, коррупцияга қарши қонунчилик **талабларига давлат органлари** томонидан риоя этиш устидан **назорат олиб бориш** ваколатларига эга. Юқорида қайд этилганидек, Корея Бош прокуратураси ва ҳудудий прокуратуралар ҳамда **Коррупция тергов офиси** коррупциявий жиноятларига нисбатан жиноят-процессуал ҳаракатларни олиб боришга ваколатли органлар ҳисобланади. Шу билан бирга, **Коррупция тергов офиси** иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича автономлиги, офис директори тўғридан-тўғри Президентга бўйсуниши ва айрим юқори лавозимли мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича жиноят ишларини **прокуратуралардан талаб қилиб олиш ваколати билан ажралиб туради ва коррупцияга қарши курашиш йўналишида** муҳим аҳамият касб этади.

3. Ваколатли давлат органларининг ҳисобдорлиги ва бўйсунуви. Коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси **раиси** Корея Бош вазири тақдимига мувофиқ **Президент томонидан тайинланади**.Корея Республикаси **Бош прокурори** ва **Коррупция тергов офиси директори Президент томонидан тайинланади**. Барча коррупцияга қарши кураш ваколатли органлар ўз фаолиятида Корея Парламенти *(National Assembly)* га ҳисобдор.

4. Коррупцияга қарши курашишда қонунчилик нормалари. Корея Республикаси коррупцияга қарши курашни тартибга солиш Корея **Жиноят кодекси**, **Жиноят-процессуал кодекси** билан биргаликда **“Коррупциянинг олдини олиш ва коррупцияга қарши курашиш ва фуқаролар ҳуқуқлари комиссиясини ташкил этиш ва бошқариш тўғрисида”**ги, **“Прокуратура тўғрисида”**ги, **“Юқори лавозимли мансабдор шахслар учун коррупция жиноятлари бщйича тергов офисини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”**ги, **2024 йил 19 мартдаги “Жамоат манфаатларини огоҳлантирувчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги *(Public Interest Whistleblower Protection Act)* 20385-сон қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан амалга оширилади.

5. Ваколатли давлат органларининг фаолиятини молиялаштириш. Корея Республикасида давлат органларига жорий этилган **юқори молиявий ҳисобдорлик даражаси** мазкур органларнинг молиялаштириш механизмида акс этган. Бунда жиноят йўллари билан орттирилган мол-мулкни мусодара қилишда уни **келгуси реализациясидан** тушган **маблағларнинг фоизлари** орқали бюджетдан ташқари **жамғармалар шакллантириш назарда тутилмаган** ва мазкур маблағлар **тўғридан-тўғри ғазначиликнинг тегишли ҳисобларига** ўтказилади. Коррупцияга қарши ваколатли органлар фақат **бюджет маблағларидан** молиялаштирилади.

V. Қозоғистон Республикасида коррупцияга қарши тизимнинг асослари

Қозоғистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли давлат органларининг шаклланиши бир нечта босқичга бўлинади. Ушбу босқичлар **1994 йил** ҳуқуқ-муҳофаза органларидан алоҳида коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли органнинг ташкил этилишидан **2025 йил**да мазкур ваколатли органни **Қозоғистон Республикаси Миллий хавфсизлик қўмитаси** таркибига киритилишига қадар тизимдаги ислоҳотларни қамраб олган.

1. Ваколатли давлат органи.

а) **1994 йилда** ташкил этилган **Иқтисодий ва коррупциявий жиноятчиликка қарши курашиш агентлиги** ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида фаолият юритган бўлиб, ўзидан ҳам коррупцияни олдини олиш бўйича **превентив чораларни қўллаш**, давлат бошқаруви органларида коррупцияга қарши **қонунчилик талабларига** риоя этилишини **назорат қилиш**, шу билан бирга, коррупциявий жиноятлар бўйича **жиноят-процессуал ҳаракатларни** олиб бориш ваколатларига эга **ҳуқуқ-муҳофаза органи** сифатида фаолият юритган.

b) Қозоғистон Республикаси Президентининг **2014 йил 6 август**даги “**Қозоғистон Республикаси давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**» ги фармонига мувофиқ Агентлик **Қозоғистон Республикаси Давлат хизмати ишлари ва коррупцияга қарши курашиш агентлиги** сифатида қайта ташкил этилган.

c) Келгуси йилларда Агентликнинг ташкилий шаклига **бир неча** ўзгартиришлардан сўнг, Қозоғистон Республикаси Президентининг **2019 йил 13 июн**даги “**Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги **12-сон** фармонига мувофиқ **Миллий коррупцияга қарши курашиш бюроси** негизида Қозоғистон Республикаси **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ташкил этилган. Агентлик ўз фаолиятида Қозоғистон Республикаси Президентига бўйсуниши ва унинг олдида ҳисобдорлиги белгилаб ўтилган.

d) Қозоғистон Республикаси Президентининг **2025 йил 30 июн**даги “**Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги **927-сон** фармонига мувофиқ Республикаси Агентлик **Миллий хавфсизлик қўмитаси** таркибидаги **Коррупцияга қарши курашиш хизмати** сифатида қайта ташкил этилган.

2. Коррупцияга қарши курашиш органларининг ваколатлар доираси. Юқорида келтириб ўтилган давлатлардан фарқли ўлароқ қўшни давлатда Коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли давлат органи бир вақтда ўзида ҳам превентив чораларни қўллаш, давлат бошқаруви органларида коррупцияга қарши қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш, коррупцияга мойил бўлган соҳаларда ваколатли органларга тавсиялар бериш билан бирга коррупциявий жиноятлар бўйича жиноят-процессуал ҳаракатларни олиб боришни ўзида мужассам қилган ҳуқуқ-муҳофаза органи сифатида фаолият юритади. Шунинг учун ҳам коррупциявий омилларни аниқлаш, улар бўйича тегишли чораларни кўришда **Хизмат** кенг қамровли ваколатларга эга.

3. Ваколатли давлат органларининг ҳисобдорлиги ва бўйсунуви. **2025 йил**га қадар **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ўз фаолиятида Президентга бўйсуниши ва унинг олдида ҳисобдор бўлиб, Агентлик **раиси** Президент томонидан тайинланган. **2025 йил**даги ислоҳотдан сўнг Хизмат Президентга бўйсуниш ва унинг олдидаги ҳисобдорлигини сақлаб қолган ҳолда **Хизмат директори** Президент томонидан тайинланиши белгилаб қўйилган.

4. Коррупцияга қарши курашишда қонунчилик нормалари. Қозоғистон Республикасида ваколатли органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолияти

Қозоғистон **Жиноят кодекси**, **Жиноят-процессуал кодекси** билан биргаликда **2015 йил 18 ноябр**даги “**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида**” ги 410-V-ЗРК-сон, **2011 йил 6 январ**даги “**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида**” ги 380-IV-сон қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган.

5. Ваколатли давлат органларининг фаолиятини молиялаштириш. Козоғистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли орган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида фаолият юритиши ҳамда сўнгги ислоҳотлардан сўнг мазкур орган **Қозоғистон миллий хавфсизлик қўмитаси**нинг таркибига киритилганлиги боис молиялаштириш механизми фақат республика бюджет маблағларидан амалга оширилади.

VI. Хулоса ва таклифлар

Хорижий мамлакатларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, самарали коррупцияга қарши курашиш тизими қуйидаги асосий тамойилларга асосланган бўлиши керак: ваколатли органларнинг мустақиллиги, уларнинг ваколатлари аниқлиги, **молиявий ҳисобдорликнинг юқори даражада таъминланиши**, **жамоатчилик назоратининг самарали механизмларининг мавжудлиги**, қонунчиликнинг замонавий талабларга мос бўлиши.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

1. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг институционал мустақиллигини кучайтириш. Агентликнинг ваколатларини кенгайтириш масалаларини ўрганиш;

2. Маиший коррупцияга қарши курашишни кучайтириш. Соғлиқни сақлаш, таълим, маъмурий хизматлар кўрсатиш соҳаларида рақамлаштиришни кенгайтириш, давлат хизматлари кўрсатишда шаффофликни ошириш, фуқароларнинг “норасмий тўловлар”дан воз кечишига шароит яратиш чораларини кўриш;

3. Коррупция тўғрисида маълумот берувчи шахсларни **ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш**. Корея Республикасининг тажрибасидан келиб чиқиб, **маълумот берувчиларни** (**whistleblowers**) ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш. Бунда, коррупциявий ҳолатлар фақат ўз ичига жиноятлар содир этилиши бўйича хабар берган шахсларни эмас балки маъмурий

ҳуқуқбузарликлар содир этилиши бўйича хабар берувчи шахсларни ҳам олиши;

4. Фуқароларнинг коррупцияга қарши ҳуқуқий онгини ошириш бўйича ишларни кучайтириш. Оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

Юқорида келтирилган таклифларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсизлик руҳини шакллантириш, давлат институтларига фуқаролар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Коррупцияга қарши курашиш – бу узоқ муддатли жараён бўлиб, у давлат ва жамиятнинг биргаликдаги изчил ҳаракатларини талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Қонуни. https://lex.uz/docs/3088008

2. АҚШ Суд тизими ва суд процесси кодекси. U.S. Code: Title 28 - JUDICIARY AND JUDICIAL PROCEDURE, Part II.

https://www.law.cornell.edu/uscode/text/28/part-II/chapter-31

3. АҚШнинг 1997 йилдаги “Хорижий коррупция амалиётлари тўғрисида” ги федерал қонуни. Foreign Corrupt Practices Act (FCPA).

https://www.justice.gov/criminal/criminal-fraud/foreign-corrupt-practices-act

4. 2013 йил 11 октябрдаги 2013-907-сон “Жамоат ҳаётининг шаффофлиги тўғрисида”ги қонуни. Loi n° 2013-907 du 11 octobre 2013 relative à la transparence de la vie publique. https://www.legifrance.gouv.fr

5. 2016 йил 9 декабрдаги 2016-1691-сон “Шаффофлик, коррупцияга қарши кураш ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги қонуни. Loi n° 2016-1691 du 9 décembre 2016 relative à la transparence, à la lutte contre la corruption et à la modernisation de la vie économique. https://www.legifrance.gouv.fr

6. Act on the Establishment and Operation of Anti-Corruption and Civil Rights

Commission. Republic of Korea. https://www.acrc.go.kr/en/

7. Public Interest Whistleblower Protection Act. Republic of Korea, 2024. https://elaw.klri.re.kr/eng_service/lawView.do?lang=ENG&hseq=22535

8. Қозоғистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни. 2015 йил 18 ноябр. https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z1500000410

9. Transparency International. Corruption Perceptions Index. https://www.transparency.org/en/cpi

10. World Bank. Worldwide Governance Indicators. Rule of Law. https://www.worldbank.org/en/publication/worldwide-governance-indicators